

Сийрат дарслари (15-дарс)



13:45 / 11.01.2019 7775

* * *

112. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик. У зот ҳожатга кетдилар. Биз ҳумарра (қуши)ни иккита жўжаси билан кўрдик ва жўжаларини олдик. Ҳумарра пириллаб уча бошлади. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб: **«Қай бирингиз буни боласи туфайли фожиага учратди? Унинг боласини қайтаринглар!»** дедилар.

Ва у зот чумолининг уясини куйдириб юборганимизни кўриб қолдилар ва: **«Буни ким куйдирди?»** дедилар. «Биз», дедик. **«Албатта, оловнинг Роббисидан бошқанинг олов билан азоблаши дуруст эмас»,** дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

* * *

113. Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарларидан бирида кетаётган эдилар. Бир ансория туя миниб олган эди. У туяни сўкиб, лаънатлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни эшитиб қолдилар ва: **«Унинг устидаги нарсани олиб, ўзини қўйиб юборинглар. У лаънатлангандир»**, дедилар.

Имрон айтади: «Ҳозир ҳам унинг одамлар ичида юрганини ва унга ҳеч ким тегмаётганини кўриб тургандекман».

Муслим ривоят қилган.

* * *

114. Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Икки нарсани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёдлаб олдим, у зот: **«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага яхшилиқни ёзгандир. Агар қатл қилсангиз, қатлни яхшилаб қилинг! Агар сўйсангиз, сўйишни яхшилаб адо этинг! Ҳар бирингиз пичоғини ўткир қилсин ва сўйиладиганни роҳатлантирсин!»** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

115. Абдуллоҳ ибн Муғоффал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У тош отаётган бир кишини кўриб, унга: «Тош отма! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тош отишдан қайтардилар ёки тош отишни ёқтирмас эдилар ва **«Бу овни ўлдирмайди ва душманга озор бера олмайди. У фақат кўзни чиқаради ва тишни синдиради, холос»**, деганлар», деди. Кейин унинг яна тош отаётганини кўриб: «Сенга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тош отишдан қайтарганлар ёки тош отишни ёқтирмас эдилар», десам ҳам тош отасанми? Энди сенга гапирмайман! Ундай-бундай», деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан